



## CONTENT AND ESSENCE OF THE LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN "ON STATE PROPERTY MANAGEMENT"

**Valijonov A.R.**

Head of the department of the  
Center for research of problems  
in privatization and state assets management  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14160259>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> November 2024  
Accepted: 12<sup>th</sup> November 2024  
Online: 13<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Law, state, property,  
management, share, enterprise,  
efficiency, principle.

### ABSTRACT

*The article reveals the content and essence of the Law "On State Property Management" of the Republic of Uzbekistan. The work analyzes and briefly comments on the main norms contained in each chapter of this Law. The article deeply examines the rules on the management of enterprises with state participation. Based on the results of the study, proposals were developed to improve the efficiency of the implementation of the Law "On State Property Management".*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

**Валижонов А.Р.**

Хусусийлаштириш ва давлат активларини  
бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш  
маркази бўлим mudiri, и.ф.н.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14160259>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> November 2024  
Accepted: 12<sup>th</sup> November 2024  
Online: 13<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Қонун, давлат, мулк,  
бошқариш, улуш, корхона,  
самарадорлик, тамойил.

### ABSTRACT

*Мақолада Ўзбекистон Республикасининг "Давлат мулкани бошқариш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмуни ва моҳияти ёритилган. Ишда ушбу Қонуннинг ҳар бир бобида келтирилган асосий нормалар таҳлил этилган ва қисқача шарҳланган. Мақолада Қонуннинг давлат иштирокидаги корхоналарни бошқаришга доир бобларига алоҳида эътибор қаратилган. Ишда тадқиқот натижалари юзасидан "Давлат мулкани бошқариш тўғрисида"ги Қонунни амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

### Кириш

2023 йилнинг 9 мартда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат мулкани бошқариш тўғрисида" Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилинишига қадар



давлат мулкни бошқариш бўйича алоҳида қонун мавжуд бўлмаган бўлиб давлат мулки тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва давлат мулкни бошқариш тартибларига доир қонуности ҳужжатлари билан белгиланган эди. Давлат мулкни бошқаришга доир алоҳида қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлади ва давлат мулкни бошқаришга масъул бўлган давлат органларининг вазифалари ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаб берди. Ушбу мақола доирасида “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мазмуни ва моҳияти ёритиб берилди.

## **Адабиётлар таҳлили ва методлар**

Давлат мулкни бошқариш мақсадлари А. Михеев тадқиқотларида [1], давлат мулкни бошқариш муаммолари ва истиқболлари Т. Растеряева, К. Растеряевларнинг илмий ишларида [2], давлат мулкни, жумладан давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш муаммолари мамлакатимиз олимларидан Р. Яушев[3], З. Ашуров [4], Р. Нуралиев[5] ва бошқаларнинг илмий мақолаларида акс эттирилган. Мақолада иқтисодий таҳлил ва шарҳлаш методларидан фойдаланилган.

## **Асосий натижалар**

“Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонун (кейинги ўринларда Қонун) 10 та боб ва 56 та моддадан иборат. Қонуннинг умумий қоидаларида давлат мулкни бошқаришга доир асосий тушунчалар, бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда давлат мулкни бошқаришнинг тамойиллари белгилаб берилган. Қонунга мувофиқ бу тамойиллар қуйидагилардан иборат: қонунийлик; ҳисобдорлик; очиқлик ва шаффофлик; соғлом рақобат учун шарт-шароитларнинг тенглиги; давлат мулкига эгалик қилишнинг асосланганлиги; давлат мулкдан фойдаланишнинг самарадорлиги; мулкдор ва тартибга солувчи вазифаларининг ажратилганлиги; атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишнинг устуворлиги. Қонунда давлат мулкни бошқариш тамойилларининг ҳар бири алоҳида моддаларда ёритилганлиги эътибор молик.

Давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқининг юзага келиши ва бекор қилиниши асослари Қонуннинг иккинчи бобида акс эттирилган. Бунда, давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқининг юзага келиши ва бекор қилиниши асослари аниқлаштирилган.

Давлат мулки, унинг тоифаларини ўзгартириш, давлат мулкни бошқариш субъектлари ва уларнинг ваколатлари Қонуннинг 3-бобида келтирилган. Республика мулки ва муниципал мулк тушунчалари ва уларнинг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган. Шунинг учун Қонуннинг 16 ва 17 моддаларида республика мулки ва муниципал мулк таркибини белгилашда Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига ҳаволалар келтирилган. Қонуннинг янгиликларидан бири бу давлат мулки республика мулки тоифасидан муниципал мулк тоифасига, муниципал мулк тоифасидан эса республика мулки тоифасига ўтказилиши мумкинлиги белгиланганлиги ҳисобланади. Хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки объектлари ҳам Қонуннинг 3-бобида белгилаб берилган. Қонун қабул қилинишидан аввал бундай давлат мулки объектлари рўйхати бугунги кунда ўз кучини йўқотган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунида белгиланган эди.



Қонунда давлат мулкани бошқариш субъектлари аниқ кўрсатилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Давлат активларини бошқариш агентлиги;
- махсус ваколатли давлат органлари;
- давлат муассасалари, шу жумладан давлат органлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Давлат мулкани бошқариш субъектларининг ваколатлари Қонуннинг алоҳида моддаларида кўрсатиб ўтилган. Бундай ваколатларнинг таҳлили давлат мулкани бошқаришда асосий ваколатлар ва вазифалар Давлат активларини бошқариш агентлигига юклатилганлигини кўрсатмоқда. Масалан, ушбу Агентликка давлат мулкани бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат муассасаларининг, шу жумладан давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат мулкани бошқариш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш каби муҳим ваколатлар берилган.

Давлат мулкига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари Қонуннинг 4-бобидаги қоидалар билан тартибга солинган. Давлат мулки ижарага, ишончли бошқарувга, текин фойдаланишга, сақлашга ва гаровга, шунингдек давлат-хусусий шериклик шартлари асосида берилиши мумкин. Давлат мулкига эгалик қилиш ва фойдаланишнинг ҳар бир шакли Қонуннинг алоҳида моддаларида ёритилган.

Бугунги кунда иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шунинг учун давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва уларни ташкил этишни тартибга солишни ҳуқуқий асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг 5-бобида Давлат мулки негизида корхоналарни ташкил этиш ва уларни қайта ташкил этиш, жумладан:

- давлат иштирокидаги корхонани ташкил этишнинг умумий қоидалари;
- хўжалик жамиятининг акцияларини (улушларини) давлат мулки сифатида олиш;
- давлат иштирокидаги корхона ва давлат муассасасини ўзгартириш;
- давлат муассасасини ташкил этиш масалалари тартибга солинган.

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим масалалардан бири бу уларда самарали бошқарув тизмини яратиш ҳисобланади. Шунинг учун Қонунда давлат иштирокидаги корхоналарда бошқарув тизimini тартибга солиш алоҳида бобда, яъни давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш деб номланган 6-бобида акс эттирилган. Ушбу бобда қуйидагилар назарда тутилган:

- давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини молиялаштириш тартиби;
- давлат иштирокидаги корхонада корпоратив бошқарув тизimini жорий этиш ва бу тизimini баҳолаш тартиби;
- давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари.

Бундан ташқари, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш, жумладан улардаги бошқарув органларининг фаолиятини тартибга солишга доир нормалар Қонуннинг 7-бобида ҳам келтирилган. Ушбу бобда давлат иштирокидаги хўжалик жамиятининг ва давлат унитар корхонасининг юқори бошқарув органлари ва уларда



давлат улуши бўйича овоз бериш тартиби белгиланган. Давлат иштиракидаги корхонанинг муҳим бошқарув органларидан бири бу кузатув кенгашидир. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Қонунда кузатув кенгашига давлат улуши бўйича вакилларни тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши белгиланган. Бундан ташқари, Қонунда Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашларига кузатув кенгашининг мустақил аъзолари ҳам киритилиши назарда тутилган.

Давлат мулкини бошқаришда муҳим масалалардан яна бири бу давлат мулки ҳисобини, яъни реестрини юритиш ҳисобланади. Қонуннинг 8-боби давлат мулки реестрини юритишга бағишланган, жумладан унда давлат мулки реестрида ҳисобга олиниши лозим бўлган давлат мулки турлари, давлат мулки реестрини шакллантириш босқичлари ҳамда давлат мулки реестрини юритишга доир талаблар белгиланган.

Давлат мулкини бошқариш соҳасидаги ахборотни ошкор қилиш масалалари Қонуннинг 9-бобида ёритилган. Бунда, ҳар йили 1 июлга қадар бўлган муддатда давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган молия йилидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборотни давлат муассасалари шу жумладан давлат органлари, шунингдек давлат иштирокидаги корхоналари Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этади. Давлат активларини бошқариш агентлиги эса ҳар йили 1 августга қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган молия йилидаги фаолиятининг самарадорлиги тўғрисидаги йиғма ҳисоботни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги давлат мулкини бошқариш тизмининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Шу билан бирга, Қонунни амалиётда самарали қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

давлат мулкини бошқариш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида низом лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда, давлат муассасаларига ва давлат унитар корхоналарига тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган давлат мол-мулкдан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш ҳамда давлат улушларини бошқариш самарадорлигини баҳолашга эътибор қаратиш;

кузатув кенгашидаги давлат вакилларини ва мустақил аъзоларни моддий рағбатлантириш тартибини аниқлаш.

### **References:**

1. Михеев А.А. Цели управления государственной собственностью / А.А. Михеев // Вестник ИНЖЭКОНА. Серия: Экономика. – 2006. – № 4 (13). – С. 386-390.
2. Растеряева Т. В., Растеряев К. О. К вопросу об управлении государственной собственностью: проблемы и перспективы // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2014. – Т. 20. – С. 4211–4215. – URL: <http://e-koncept.ru/2014/55107.htm>.
3. Яушев Р.И., Ашуров З.А. Роль института представителей государства в системе корпоративного управления Узбекистана. // Актуальные задачи развития



корпоративного управления и конкурентной среды в Республике Узбекистан. Сборник статей и тезисов республиканской научно-практической конференции (12 мая 2017 года). – Ташкент: ТГЭУ, 2017. – С. 83-87.

4. Ашуров З.А. Давлат иштирокидаги корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш масалалари. // Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда инновацион менежмент: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (11 ноябрь 2022 йил). – Тошкент: ТМИ, 2022. – Б. 264-268.

5. Нуралиев Р.Т., Усманов Б.Ш. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистон иқтисодиётида давлат секторидаги ўрни ва аҳамияти // Жамиятни ижтимоий-иқтисодий трансформациялаш шароитида бозор ва мулкый муносабатларни ривожлантириш. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (3 май 2024 йил). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, 2024. – Б. 93-98.